# ШАРТНОМА

**Косонсой тумани** **№ 35** **2022 йил 15 – январ.**

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Бюджет ташкилоти" деб юритилувчи **Кексалар, ногиронлар, уруш ва мехнат фахрийлари учун «Косонсой» санаторийси** номидан бюджет ташкилоти рахбари **Х.Юсупжонов** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **Дастурхон безаги масъулияти чекланган жамияти** номидан иш кўрувчи **А.Жалолов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га **Колипли нон 0,5 кг (транспорт харажати билан)** етказиб бериш(кейинги уринларда –"товар(махсулот) " деб юритилади), "Бюджет ташкилоти" эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"Товар (маҳсулот)"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи, мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. "ТОВАР (МАҲСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.

2.1 Етказиб бериладиган "товар (маҳсулот)"нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2. "Бюджет ташкилоти" га "Товар (маҳсулот)" билан бирга : мувофиқлик сертификати нусхаси, Етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган ДБД (давлат божхона декларацияси) нусхаси тақдим этилади.

2.3. "Етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)" учун ___ (йил, ой)кун муддатга кафолат берилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Бюджет ташкилоти"нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (маҳсулот)" етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

-зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" шунга ўхшаш "Товар (маҳсулот)" билан алмаштирилишини;

-баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

3.2. "Бюджет ташкилоти"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **13 650 000** ***(ун уч миллион олти юз эллик минг сум 00 тийн)*** сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

4.2. "Бюджет ташкилоти" етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)" туркуми суммасининг **30** фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан сўнг 90 кун муддатда колган **70** фоизини узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

4.3. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун пул утказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Товар (маҳсулот)"га ҳақ тўлаш бўйича "Бюджет ташкилоти" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. "Бюджет ташкилоти"нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Бюджет ташкилоти" томонидан қабул қилинган "Товар (маҳсулот)" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. "Бюджет ташкилоти" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Бюджет ташкилоти"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита "Бюджет ташкилоти"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф: бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

6.2."Етказиб берувчи" ва "Бюджет ташкилоти" асосий шартномага тақдим этиладиган барча хужжатларга Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофик тенг жавобгардир.

## VII. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Товарлар сув босиши ,ёнгин ,зилзила ва бошка табиий офатлар хамда давлатлараро келиб чикадиган низолар каби енгиб булмайдиган кучлар натижасида Ушбу шартнома юзасидан булган уз мажбуриятини Тула ёки кисман бажара олмасликлари учун жавобгар булмайдилар.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун Узбекистон Республикаси конунлари асосида хал килинади ёки бевосида суд органларига мурожат килишка хаклидир.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4 Шартнома ғазначиликдан руйхатдан утказилгандан сунг кучга киради ва 2022 йил «31»декабргача амал килади.

## X. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

| "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" | "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" |
|---|---|
| Датурхон безаги масъулияти чекланган жамият<br><br>Наманган вилояти Косонсой шахар № 78а уй<br><br>х/р 20208000104465763001<br><br>Наманган ш.,ТИФ Миллий банк Наманган б.<br>МФО 00222<br><br>Солик туловчининг идентификация раками<br><br>205819347<br><br>ОКОНХ 18113<br><br>*Ташкилот рахбари А.Жалолов*<br><br>_______________ *(имзо)*<br><br>*М.У.* | Кексалар, ногиронлар, уруш ва мехнат фахрийлари учун «Косонсой» санаторийси<br><br>Косонсой туман Олмазор дахаси №4 уй<br><br>Шх/в 100010860142077101203344001<br><br>Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 200075795<br><br>ОКОНХ 91800<br><br>***Молия Вазирлиги Газначилиги***<br><br>***Газна х/р: 23402000300100001010***<br>***Банк номи :Марказий банк Тошкент ш. ХККМ***<br>***МФО:00014 ИНН : 201122919***<br><br>_______________ *Х.Юсупжонов*<br>*(имзо)*<br><br>*М.У.* |

***Юрист*** _______________ ***Ф.И.О. Лицензия раками №***_______________

2022 йил "15" января даги

№ 35 сон шартномага 1-илова

1-ИЛОВА

| т/р | Товар (махсулот) номи | Улчов бирлиги (дона/кг/литр) | Микдори | Бир бирлигининг нархи (сум) | Жами сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Колипли нон 0,5 кг транспорт хизмати билан | дона | 7800 | 1750 | 13650000 |
| | **ЖАМИ** | **х** | **х** | **х** | **13650000** |

Шартноманинг умумий киймати **13 650 000** сумни ташкил этади.
Ун уч миллион олти юз эллик минг сум 00 тийин
(сумма суз билан)

Кексалар, ногиронлар, уруш ва мехнат фахрийлари учун
«Косонсой» санаторийси
Косонсой туман Олмазор дахаси №4-уй
Шх/р 100010860142077101203344001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 200075795
ОКОНХ 91800
Уз.Республикаси Молия Вазирлиги Газначилик
Х/В 23402000300100001010
ХККМ МБ Тошкент ш. Бош Бошкармаси
МФО 00014
Газначилик булинмаси СТИРи 201122919

Рохбар:- Х.Юсупжонов

Дастурхон безаги масъулияти чекланган жамият

Наманган вилояти Косонсой шахар № 78а
х/р 20208000104465763001
Наманган ш.,ТИФ Миллий банк Наманган б.
МФО 00222
ИНН 205819347 ОКОНХ 18113

Рохбар:- А.Жалолов

Юрист________________________________Ф.И.О. Лицензия раками №____

М. Умиев Г. Узоков.

«ДУБЛИКАТ»

Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида

# ГУВОХНОМА

| [illegible] рақами | 1545 | № | 1449 |
|---|---|---|---|

2009 йил «23» январ

Мазкур гувохнома юридик шахс

« ДАСТУРХОН БЕЗАГИ » масъулияти чекланган жамияти.

| | | |
|---|---|---|
| Ташкилий хуқуқий шакли | ТХШ | 1153 |
| [illegible] шакли | МШ | 142 |
| [illegible] | ХОБТ | 1714207501 |
| Юридик шахс коди | КТУТ | 20300537 |
| [illegible] | ХХТУТ | 18113 |
| Солиқ тўловчининг идентификацион рақами | СТИР | 205819347 |

Қушимча маълумотлар:

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан утказиш инспекциясининг 2009 йил 23 январдаги 1545-сонли Реестри билан давлат рўйхатдан утказилган.

DASTURXON BEZAGI
O'zbekiston Respublikasi Namangan viloyati Kosonsoy tumani mas'uliyati cheklangan jamiyati

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан утказиш инспекцияси бошлиғи [signature] З.Ш.Мирсаидов.

Имзо

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ

СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИДОРАСИ. UZ.AMT.06.MAI.317

НАМАНГАН ССМ ДК СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИДОРАСИ. UZ.AMT.06.MAI.317

Наманган вилоят, Наманган шахар, Нодира кўчаси-9. Тел: (0369) 228-81-25

(Сертификатлаштириш идораси номи, манзили, Давлат реестридаги рақами)

№ 2208271

# МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

"09" март 2019 йилдан
UZ.SMT.01.317.2408354 сон билан
Давлат реестрида рўйхатга олинган.
Амал қилиш муддати
"09" март 2022 йилгача
ТИФ МН коди (маълумот учун)

«DASTURXON BEZAGI» MChJ Ўзбекистон Республикаси

(корхона, фирма, ишлаб чиқарувчи мамлакат)

Ушбу сертификат тасдиқлайдики, тегишлича идентификацияланган маҳсулот:

*БИРИНЧИ НАВЛИ БУҒДОЙ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ВАЗНИ: 0,5 kg ва 0,6 kgли ҚОЛИПЛИ НОН МАҲСУЛОТИ.*

*Серияли ишлаб чиқариш учун.*

(миқдори ёки серияли ишлаб чиқарилиши) (номи, тури, хили, русуми)

МТР.008-2017 6-илова; ГОСТ 27842-88, 1.2.1 банди, меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқдир. 1.2.2 банди 2-жадвал; 1.2.3 банди 3-жадвал; 1.2.4 банди; Сан ҚМ 0283-2010 1.4.7 банди.

Сертификатлаштириш схемаси: 4 (тўртинчи)

Буюртмачи (тайёрловчи, сотувчи): «DASTURXON BEZAGI» MChJ

(корхона, ташкилот номи)

Наманган вилояти, Косонсой тумани, Гулобод МФЙ

(манзили)

Сертификатга асос бўлган:

а) ҳужжатлар: Ариза № 336/1 04.03.2019 йилдан.
Учқўрғон туман ДСЭНМ томонидан берилган 25.02.2019 йилдаги №157264-сонли санитария-эпидемиологик хулоса. Амал қилиш муддати 25.02.2022 йилгача.

б) намуналар синови: *UZ.AMT.07.MAI.013.* Наманган ССМ ДК аккредитланган физик-кимёвий синов лабораториясида ўтказилди. Синов баённомалари №12/276, №12/277-сонли 06.03.2019 йилдан. *UZ.AMT.07.MAI.620.* Наманган вилояти ДСЭНМ АСЛ да ўтказилди. Синов баённомаси №87, №153-сонли 25.02.2019 йилдан.

в) ишлаб чиқаришни текшириш далолатномаси: 09.03.2019 йилдаги 82-сонли далолатнома.

Инспекцион назоратни Наманган ССМ ДК томонидан бир йилда бир маротаба даврийлик билан амалга оширади.

Алоҳида ёзувлар: Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар технологик жараён ва меъёрий хужжат талабларига мос келгандагина мувофиқлик сертификати ҳақиқий хисобланади.

Мувофиқлик белгиси қўйилади:

Мувофиқлик белгиси маҳсулот юк кузатув хужжатларига кўйиб борилади.

Илова: Мувофиқлик сертификатининг нусхаси фақат сертификатлаштириш бўйича идора ёки асл нусха эгаси томонидан муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқийдир.

Сертификатлаштириш идораси раҳбари М.У. (имзо) Х. Ходжаев (Ф.И.О.)

Эксперт М.У. (имзо) А. Исматов (Ф.И.О.)